



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2021 yil "17" 08

№ 204

Toshkent sh.

Covid-19 ga qarshi emlash jaraёнларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Коронавирус инфекциясининг аҳоли орасида тарқалиб кетишини олдини олиш, бирламчи тиббий-санитария муассасаларида хавфсиз эмлашни оммавий тарзда олиб бориш мақсадида **буюраман**:

1. Covid-19 ga qarshi emlash jaraёнларини ўтказиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари 3 кун муддатда мазкур буйруқни барча туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларига етказсин ва ҳар бир бирламчи тиббий-санитария бўғин муассасаларида COVID-19га қарши эмлаш жараёнларини ўтказиш тартибига асосан эмлаш ишларини олиб борсин.

3. Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 15 февралдаги 31-сонли буйруғининг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Хаджибаев

COVID-19га қарши эмлаш жараёнларини ўтказиш ТАРТИБИ

Мазкур тартиб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида 18 ва ундан юқори ёшдаги аҳолини COVID-19га қарши эмлаш ўтказишнинг тартибини белгилайди.

COVID-19га қарши эмлаш қоидалари

1. Эмланиши лозим бўлган аҳоли шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бирламчи тиббий-санитария бўғини муассасаларининг рўйхатхонасига мурожаат қилади ва оилавий шифокор томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, тиббий кўриқ хулосаси “Пациентнинг амбулатор тиббий картаси” 025 ҳ/ш (ҳисобот шакли)да қайд қилинади.

2. Эмлаш тадбирлари фақат шифокор кўригидан сўнг амалга оширилади. COVID-19га қарши эмлашда биринчи навбатда эмланувчи фуқаронинг соғлиғи текширилади, эмлашга бўлган монеъликлар аниқланади, аллергия реакция бор ёки йўқлиги сўраб-суриштириш йўли билан ўрганилади ва эмлашга бўлган монеъликлар кузатилмаган ҳолатда эмлашга рухсат берилади. Монеъликлар мавжуд бўлса эмлашга вақтинчалик ёки доимий тиббий чеклов қўйилади. Вақтинчалик ёки доимий тиббий чекловлар даволаш-профилактика муассасалари раҳбарияти томонидан тасдиқланган махсус комиссия томонидан белгиланади. Комиссия томонидан 2-иловага мувофиқ тиббий чеклов тўғрисида маълумотнома тақдим қилинади.

3. Эмлаш жараёнида биринчи ва навбатдаги дозаларни олиш оралиғидаги интервал Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига ва вакциналарнинг йўриқномаларига асосланган ҳолда эмлашдаги интервал 21 кундан 12 ҳафтагача белгиланади.

COVID-19 вакцинациясига қарши кўрсатмалар ва уларни расмийлаштириш тартиби

COVID-19 вакцинациясига қарши кўрсатмалар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг оилавий шифокори томонидан аниқланади ва чеклов тўғрисида хулоса бериш мақсадида махсус комиссияга юборилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар” 8-таҳририга асосан эмлашга қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Вақтинчалик қарши кўрсатмалар

Коронавирус касаллигининг ўткир шакли бўлган беморлар;
лабораторияда COVID-19 мусбат натижа берган, бироқ клиник белгилар бўлмаган шахслар;

коронавирус касаллиги билан касалланган беморлар билан мулоқотда бўлганлар карантин муддати тугаганидан кейин эмланади;

Эмлашга узок муддатли ва доимий моненьликлар:

анамнезида оғир аллергия реакциялари (анафилактик шок) бўлган шахслар (тасдиқловчи тиббий ҳужжат бўлганда);

ҳомиладор ва эмизикли аёллар (вакцинанинг ушбу контингентга хавфсизлиги тўғрисида маълумот етарли эмаслиги сабабли);

18 ёшгача болалар;

анамнезида туғма ёки орттирилган иммунотанқислик ҳолати, ОИВ инфекцияси бўлган беморлар;

вакцинанинг компонентларига юқори сезгирлиги бўлган шахслар.

Коронавирус инфекциясининг ўткир шакли симптомлари бўлган беморлар, шунингдек, лабораторияда COVID-19га мусбат натижа берган, бироқ клиник белгилари кузатилмаётган (симптомсиз) шахслар ва коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотда бўлган шахслар, карантин муддати тугаганидан сўнг эмланади.

ЖССТнинг ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги олимларининг тажрибасига таянган ҳолда – эмлашдан олдин антитаначаларга текшириш шарт эмас.

ЖССТнинг тавсияларига асосланган ҳолда COVID-19 касалигидан соғайган ва реабилитация даврини ўтказган шахс шифокор рўхсати билан 3-6 ойдан сўнг эмланиши мумкин.

Эмлашга бўлган барча турдаги моненьликлар, эмлаш пунктларида рўйхатга олинади. Бир ойгача ва ундан кўп муддатга берилган тиббий чекловлар ДПМларнинг махсус комиссияси аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва шунга асосан якуний ҳулоса қилинади. Эмлашга моненьлиги бўлган шахсларни даволаш, соғломлаштириш режалари тузилади.

Эмланишга доимий моненьликлари бўлган шахслар 025-сонли тиббиёт ҳужжати ва тиббий чекловларни рўйхатга олиш журналига қайд этилади. Тиббий чекловлар берилган маълумотнома ҳар бир шахсга ДПМнинг махсус комиссияси ва бош врач томонидан тасдиқлаб берилади.

COVID-19га қарши эмлашни ташкиллаштириш ва амалга ошириш

ДПМлари раҳбари бошчилигида эмлаш учун 18 ва ундан катта ёшдагилар режалаштирилади. Эмланадиган аҳолининг ҳудудлар бўйича ёшма-ёш рўйхати тузилади. Сўнгра COVID-19га қарши эмланадиган аҳолининг рўйхати шакллантирилади ҳамда унга мувофиқ эмлаш режаси ишлаб чиқилади.

Даволаш-профилактика муассасаларида COVID-19га қарши эмлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг 0239-07-сонли “Санитария коида ва меъёрлари” талабларига жавоб берадиган эмлаш хоналарида амалга оширилади.

Эмланган шахсга эмлаш ҳамшираси кейинги эмлашларни қачон олиши, эмлашдан сўнг юз бериши мумкин бўлган ҳолат ва тавсиялар тўғрисида маълумот беради ва вакцина олган санаси, дозаси, вакцинани номи, навбатдаги доза олиш санаси ёзилган эслатма беради.

Эмлашдан сўнг юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни (хушдан кетиш, анафилактик шок) олдини олиш мақсадида эмланган шахсга 15-30 дақиқа давомида эмлаш пунктида бўлиши тавсия қилинади. Шу билан биргаликда, эмланган шахс 064/1-ҳ-шаклидаги эмланиш дафтарида эмланганлиги тўғрисида имзо чекади.

Эмланган шахсларни emlash.uz ахборот тизимида рўйхатга олувчи ҳамшира томонидан (берилган логин ва пароль асосида) эмлангандан сўнг дарҳол шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларига асосан (паспорт ёки ЖШШИР (Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами)) электрон тизимга киритади. Emlash.uz ахборот тизимида киритишни назоратини ДПМ бош шифокори ёки унинг ўринбосари ҳамда бош ҳамшира ўзларининг шахсий логин пароли орқали олиб боради.

Коронавирус инфекциясига қарши эмланганлик тўғрисида маълумот олиш тартиби

COVID-19га қарши ҳар бир эмланишдан сўнг эмланган шахснинг мобил телефонида СМС орқали эмланганлик тўғрисида хабар келади. Тўлиқ эмлангандан сўнг эмланганлик сертификатини ушбу хабардаги хавола ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (mu.gov.uz) орқали онлайн юклав олиши мумкин.

Тўлиқ эмланган шахсга ДПМнинг ўзида эмлаш учун рўйхатга олган ҳамшира томонидан фуқаро талабига биноан сертификат берилади.

Шунингдек, юқоридаги амаллар ёрдамида эмланганлик сертификатини олишнинг имкони бўлмаганда тўлиқ эмланган шахс ўзини ҳудудий бирламчи тиббий-санитария муассасасига мурожаат қилиш орқали сертификатни олиши мумкин.

Пандемия даврида эмлашни амалга ошириш учун хавфсизлик чоралари

Тиббиёт ходимлари албатта шахсий ҳимоя воситаларидан (тиббий халат, тиббий ниқоб, тиббий кўлқоп) фойдаланиши;

эмлаш ўтказиладиган хонада шамол айланиб туриши учун имконият бўлиши;

эмлаш хонасини бошқа даволаш хизматлари хоналаридан алоҳидалаш (турли соатларда, алоҳида кириш жойи);

эмлаш учун келган аҳолининг кутиш вақтини камайтириш ;

эмлаш хонаси олдида одамларнинг тўпланишини чегаралаш, қўшимча эмлаш хоналарини ташкил қилиб, хавфсиз эмлашни таъминлаш ;

эмланадиган аҳолининг кутиш пайтидаги ижтимоий оралиғи камида 2 метр бўлишини таъминлаш.

COVID-19га қарши эмлашдан сўнг юз бериши мумкин бўлган ноҳуш белгилар

Вакцина – бу бегона оксил ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларни кўллаганда қуйидагилар кузатилиши мумкин:

маҳаллий реакциялар: оғриқ, қизариш, кичишиш ва шиш;

умумий реакциялар: тана ҳароратининг кўтарилиши ва қалтираш;

психоген реакциялар (кўрқув, ҳаяжон), бош айланиши;

коллапс, ҳушдан кетиш ва анафилактик шок.

Барча даволаш-профилактика муассасаларининг тиббий ходимлари, уларнинг давлат ёки хусусий секторга қарашли бўлишидан қатъий назар, эмлашдан кейинги ноҳўя белгилар билан мурожаат қилган беморларда эмлашдан кейинги реакция ёки эмлашдан кейинги асорат борлигини аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиб рўйхатга олишга масъулдир.

Эмлашдан сўнг юз бериши мумкин бўлган кечги ноҳуш белгилар аниқланганда

Тиббий ходим, зудлик билан эмланувчига тезкор ёрдам кўрсатиши ва зарурат бўлганда белгиланган ҳудудий тиббий муассасага олиб келиниб муолажалар давом эттирилиши шарт;

дарҳол профилактик эмлаш ишлари олиб борилган ҳудуддаги тиббий муассаса раҳбариятига ва Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаларига телефон орқали хабар беришни ташкиллаштириши зарур;

шошилиш хабарнома бериши ва 025-, 064/1-х-шакллар бўйича маълумотларни белгилаб қўйиши лозим.

Ўз навбатида нохуш белгилар тўғрисидаги маълумот туман, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига ҳамда санэпидхизматига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Санитария-эпидемиология хизматига етказилади.

Барча эмлашдан кейинги реакция ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 27-январдаги 36-сонли буйруғининг 6-иловасига асосан ҳисобга олинади.

COVID-19га қарши эмлашлар устидан назорат

Эмлаш жараёнида юритилган 025 ва 064/1-х-шаклларининг тўғри юритилиши ва лозим бўлган аҳоли қатламининг эмлашлар билан тўлиқ камраб олинишига даволаш-профилактика муассасаларининг бош шифокор ўринбосари, бош хамшира ва мазкур муассасанинг оилавий шифокорлари масъул ҳисобланади. Улар коронавирус инфекциясига қарши эмлаш жараёнида қуйидагиларни текшириб боришлари керак:

эмланиши белгиланган контингентни тўлиқ рўйхатга олинганлиги ва emlash.uz ахборот тизимига киритиб борилишини, шу жумладан уй шароитида эмланадиганлар сонини;

эмлашларнинг ўз вақтида олиб борилишини ва тўлиқ ўтказилишини;

эмлашга берилган тиббий чекловларнинг асослилигини ва тиббий чеклов берилган аҳолининг тўлиқ ҳисобга олинишини;

шифокорлар томонидан эмлаш ўтказишга ёки тиббий чеклов беришга бўлган асосларни;

эмлаш ҳисоботларининг ўз вақтида тайёрланиши ва топширилишини;

эмлашдан кейинги реакция ва асоратларнинг рўйхатга олинганлигини;

эмланганлиги тўғрисидаги сертификатларнинг берилишини;

хар бир доза вакцинага ДПМни раҳбари ва масъул ходими жавобгардир!

COVID-19га қарши эмлашлар ҳисоботи

Даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори COVID-19га қарши эмлашни режалаштириш, амалга ошириш, эмланганлик даражаси бўйича тайёрланаётган ҳисоботларни тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига, эмлашларни emlash.uz тизимига киритиб борилишига, тиббий чекловлар ва эмлашдан кейин асоратлар ва нохуш ҳолатлар тўғрисида маълумотларнинг Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаларига ўз вақтида етказилишига масъулдир!

Даволаш-профилактика муассасалари ўз ҳудудида жойлашган ўқув-тарбия масканларидаги барча ходимларни, уларнинг доимий яшаш жойидан қатъий назар тўлиқ эмланишларига эришишлари ва бу ҳақдаги кундалик маълумотларни Санитария-эпидемиология хизматига тақдим этиб боришлари шарт.

Вакциналарнинг ҳисоботи, сақланиши ва ишлатилишига бўлган талаблар

COVID-19га қарши эмлашда, вакциналар ишлаб чиқилган давлатидан қатъий назар, тасдиқланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига рухсат берилган вакциналардан фойдаланилиши лозим;

даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори вакциналарнинг ва бошқа иммунобиологик препаратларнинг, шунингдек шприцлар ва инъекцион материалларнинг, хавфсиз йўқ қилиш қутиларнинг ўз вақтида олиниши, сақланиши ва тақсимланишига масъулдир;

COVID-19га қарши вакцинанинг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ишлатиш бўйича жавобгарлик даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори буйруғи билан муассаса катта ҳамшираси зиммасига юклатилади;

бундан ташқари, вакциналарнинг тўғри сақланиши, ташилиши, совутгич қурилмаларининг меъёردа ишлаши устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, ишлатилган инъекцион материалларнинг тўғри йиғиш ва йўқ қилиш бўйича алоҳида тиббий ходим белгиланиши керак;

вакциналар Санитар-эпидемиология хизматидан, вакциналарни ишлатувчи тиббий муассасаларга (Кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар ва оила шифокорлик пунктларига) ўрнатилган талабларга мувофиқ етказилиши учун ушбу муассасалар етарли миқдорда термoeлемент ва термосумкалар билан таъминланган бўлиши зарур;

қабул қилинган, ишлатилган вакциналар, шприцлар ва инъекцион материалларнинг йиғиш ҳамда хавфсиз утилизация қилиш қутиларининг ҳисоби, амалдаги “Вакцина ва шприц/игналар назорати журнали”да кайд этиб борилади;


тиббий иммунобиологик препаратлар даволаш-профилактика муассасаларининг эмлаш хоналарида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 11 апрелдаги 148-сонли буйруғи билан тасдиқланган услубий қўлланмалар асосида сақланиши керак;

вакциналар эмлаш хонасида, совутгич қурилмалар меъёردа ишлаган ва электр таъминотида узилишлар бўлмаган тақдирда бир ойгача сақланиши мумкин. Мабодо даволаш-профилактика муассасасида совутгичлар созлиги кафолатланмаса ёки электр таъминотида узилишлар кузатилса, у ҳолда вакциналар Санитария-эпидемиология хизмати томонидан бир кунга, яъни, эмлаш куни эҳтиёжига қараб берилиши керак. Вакциналар ўрнатилган тартибда сақланиши керак.

**COVID-19га қарши эмлаш
жараёнларини ўтказиш
ТАРТИБИГА**

1-илова

COVID-19га қарши эмлаш тартибининг алгоритми



* Эслатмада вакцина номи, вакциналини 1-дозасини олган санаси, вакцинали навбатдаги дозасини олиш санаси кўрсатилади.
 ** Кутиб туриш вақти вакциналининг ноҳўя таъсирлари, бир-бири айланиш реакцияларини олдини олиш мақсадлида.

**COVID-19га қарши эмлаш
жараёнларини ўтказиш
ТАРТИБИга
2-илова**

**COVID-19 қарши эмлашга тиббий чеклов тўғрисида
Махсус комиссия маълумотномаси № _____**

« _____ » _____ 20__ йил

Исми шарифи _____

Туғилган йили _____

Паспорт серияси _____

ЖШШИР _____

- Коронавирус билан касалланган
- Ўткир бқумли касалликлар билан касалланган
- Анамнезида оғир аллергия реакциялар (анафилактик шок)
- Ҳомиладор ва эмизикли аёллар
- 18 ёшгача болалар;
- Анамнезида туғма ёки ортирилган иммунотанқислик ҳолати, ОИВ инфекцияси бўлган беморлар;
- Вакцинанинг компонентларига юқори сезгирлиги бўлган шахслар.

Таъхис: _____

Вақтинчалик қарши кўрсатма

Эмлашга узоқ муддатли ва доимий
монёлик

ДПМ раҳбари _____

М.Ў.